



Азиз ота оналар, пайгамбаримиз саллалоху алайхи ва саллам бундай мархамат киладилар: Сизларнинг ораларингизда сизларни кузатиб турувчи фаришталар бор. Уларнинг бир тоифаси тунда сизларни кузатиб турса, иккинчи тоифаси кунда кузатиб туради. Фаришталар аср намози ва бомдод намози вактларида алмashiш учун йигиладилар. Фаришталардан сизлар орангизда тунаган тоифаси, навбатни иккинчи тоифага топшириб, осмонга, роббилари хузурига кўтарилиб кетадилар. Шунда роббилари Аллоҳ таоло – бандаларининг ахволини билгувчирок бўлиб-уларнинг холати тўгрисида бундай савол беради: Бандаларимни кай холда кўйиб келдингиз?

Фаришталар айтадиларки: Уларни кўйиб келганимиизда хам улар намоз ўкиётган холда эдилар, борганимиизда хам намоз ўкиётган холда эдилар.

Азизлар, тонг намозидан кейин ризк таксимланади. Кимки, мана шу вактда ибодат устида бўлса, унинг ризкига хам, амалига хам барака ёгилади, дейди Аскалоний рохимахуллох .

1. Савол: Болажоним, мана, намоз вактларини ва ракаатларини билиб олдик. Айтгинчи, намозхон намоз ўкишидан олдин яна нималар килиши керак?

Жавоб: Кийимлари билан авратларини ёпиб ва сийдик каби



нажосатлардан уларни тоза
тутиши керак.

2. Савол: Демак хожатхонага борганда сийдик тегиб колишидан
эҳтиёт бўлиш керак экан- да!?

Жавоб: Ха дадажон, чунки, кабрдаги кўп азоб
сийдикдан ўзини эҳтиёт килмаганларга бўлади. Аллоҳдан оғият
сўраймиз!

3.

Савол: Намоздан олдин яна нима килиш керак?

Жавоб: Намоз ўқийдиган жойи
тоза бўлиши керак. Чунки, Аллоҳ таоло факат покиза нарсанигина
кабул килади.

4. Савол: Кайси томонга караб намоз ўқийди?

Жавоб: Киблага караб намоз
ўкиши керак.

5. Савол: Кибла кайси томонда?

Жавоб: Мусулмонлар кибласи
Каъба бўлади. Каъба эса Макка шахрида.

6. Савол: Бизнинг юртларимизда Макка
кайси томонда?

Жавоб: Тахминан куёш ботар томонда.



7. Савол: Намоздан
олдин яна нима килиши керак?

Жавоб: Ният килиши керак.

8. Савол:
Кандай ният килади?

Жавоб: Кайси намозни ўқимокчи бўлса, ўша намозни
калбидан ўтказади. Чунки ният калбда бўлади.